

ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Норов Акмал Рузимаматович
ТДИУ «Банк иши» кафедраси ассистенти
E-mail: akmal.norov@mail.ru

Аннотация: Мақолада инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг роли ўрганиб чиқилди. Лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш ва уларни такомиллаштиришдаги муаммолари ҳамда келажакдаги истиқболлари аниқлаб олинди. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Тижорат банклари томонидан инновацион лойиҳаларни бошқариш усуллари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: инновация, инвестиция лойиҳаси, тижорат банклари кредитлаш амалиёти, инновацион фаолиятни бошқариш, кредит портфели.

Abstract: The article discusses the role of commercial banks in financing innovative projects. Problems and prospects for improving the efficiency of projects and their improvement were identified. The experience of developed foreign countries in financing innovative projects is studied. The methods of managing commercial banks of innovative projects are considered.

Key words: innovation, investment project, commercial bank lending practice, innovation management, loan portfolio.

Кириш

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни инновацион лойиҳаларсиз ривожлантириш қийин, уларни молиялаштиришда тижорат банкларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Сабаби тижорат банклари инновацион лойиҳа ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарни кредит маблағлари билан таъминлаб, мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий поғона вазифасини бажаради ва шу орқали, жамиятда умумий макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инновацион лойиҳалар билан фаолият кўрсатувчи корхоналар барпо этилмоқда, инновацион технологияга асосланган ишлаб чиқаришлар ва хизмат турлари жорий этилиб, янги маҳсулот турларини яратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятини инновацион ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли борасида Ш.Мирзиёев томонидан «Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак» [1] дея таъкидлангани, ҳамда, Мамлакатда 2020 йилни «Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» деб эълон қилингани, унинг Дастурида инновацион лойиҳаларни мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, илм ва маърифатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инновацион

лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инobatга олинганлиги тадқиқотнинг бугунги кундаги долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўлида охириги йилларда тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажми бир неча ўн мартабо кўпайди. Бироқ, бизга маълумки ривожланиш ва тараққиёт жараёни шиддатли рақобат тус олиб, муаммолар асосида мукаммаллашиб боради. Банklar томонидан инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштиришда, уларни ликвидлиги паст деган баҳо берилмоқда. Бу корхоналарга банк кредитларини ажратишда муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини, янги инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш усулларининг илмий-назарий ва услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

«Инновация» атамаси (лотинча «innovato» сўзидан олинган) янгилаш ва яхшилаш деган маънони англатади. Инновация мазмунида янги деб қабул қилинган маданиятнинг моддий (номоддий) қиймати сифатида анланган.

Иқтисодчи олимларнинг фикларига тўхталиб ўтадиган бўлсак қуйидаги хорижлик олимлар ўзларининг турлича талқинларини келтириб ўтган, хусусан:

И.Л. Балабанов «инновация» бу – назорат, режалаштирилган усули, янги техника ва технология, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқаришни ташкил этишнинг янги шаклига капитал киритишдан олинган натижани намоён этади деб тушунтирган [2];

А.Б. Борисов «инновация» бу технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкил қилиш шаклларини жорий этишга қаратилган ижобий фаолият натижасини англатади деб ҳисоблайди [3];

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Р.Гимуш ва Ф.Матмуродовлар «инновация» деганда янгилик ва янгилик киритиш деган маънони англатишини айтиб ўтганлар [4];

Б.Э. Тошмуродова ва Н. Жияновалар фикрига кўра «инновация» тушунчаси ўз ичига нафақат техник изланишларни, балки корхона иши усулидаги янгиликларни ҳам олишини айтиб ўтганлар [5].

- Жаҳон банки инновацияни технологияларни ёки жамиятда нимадир янги нарсани амалиётда қўлланилиши деб тушунтиради (World bank report, 2010).

- Г. Попов инновация фаолиятини тугалланган илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини ёки такомиллашган технологик жараёнда амалга оширилувчи, маҳсулот ишлаб чиқариш учун эришилган илмий-техник ютуқларни олиш тушунтиради [6].

Сўнги йилларда бутун жаҳон миқёсида содир бўлаётган молиявий иқтисодий инқироз шароитида инновацион лойиҳалар ва инновацион фаолиятнинг аҳамияти янада ошди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда банklarнинг инновацион фаолиятида ва умуман давлатнинг инновацион сиёсатида ижобий ўзгаришлар вужудга келишига олиб келди.

Мазкур соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатда тижорат банклари томонидан инновацион лойиҳаларни кредитлаш, мамлакат иқтисодиётини

модернизациялаш шароитида уларни ролини ошириш бугунги кунда долзарб бўлиб турибди.

Шу ўринда, иқтисодчи олим Р.Х. Карлибаеванинг фикрига тўхталиб ўтадиган бўлсак, иқтисодий ислохотлар шароитида мамлакат миллий иқтисодиётини модернизациялаш, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини оширишга қаратилган иқтисодий сиёсатни жонлантиришни талаб қилишни келтириб ўтган [7].

Фикримизча, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда банк кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир. Чунки, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларни амалга оширишда йирик молиявий имкониятлар талаб этилади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга кредитлар бериш билан таърифланади.

Ўзбекистонда инновацион ғояларини кредитлашга муҳтож корхоналар сони охириги йилларда тобора ортиб бормоқда. Бунда кредит ресурслари айланма воситалар ҳарид қилишга эмас, балки стратегик ривожланиш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилиши назарда тутилади. Маълумки, бу ҳолда жойлаштирилган ресурслар юқори рискли ва аксарият ҳолларда тижорат лойиҳаларини амалга ошириш натижасида шаклланувчи даромадлар ҳисобидан қайтиб келади.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит сиёсати ва корхоналарни кредитлаш амалиётидаги камчиликлар, жумладан, республикада банкларнинг кредитлаш тартиби ҳанузгача жаҳон стандартлари ва мижозларнинг талабларига жавоб бера олмаслиги, ривожланган давлатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётининг мамлакат тижорат банкларига татбиқ этилмаётганлиги мазкур мақола мавзусининг танланишига сабаб бўлди. Шу сабабли, тижорат банкларининг бугунги кундаги корхоналарни кредитлаш амалиётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш, хорижий банклар кредитлаш амалиётининг устувор томонларини амалий таҳлиллар асосида ўрганиш, уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибалари, Ўзбекистон тижорат банклари кредитлаш амалиётида жорий қилиш юзасидан аниқ асосланган илмий таклифларни тақдим этиш кўзда тутилганлиги ушбу илмий мақоланинг долзарблигини намоён этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида инновацион лойиҳалар билан фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари ва унда аҳоли иш билан бандлигини аниқлаш бўйича ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди. Мамлакат иқтисодиёти учун ижобий таъсир этувчи кредит ҳажмини аниқлаш ва шу билан биргаликда инновацион лойиҳалар хусусан реал секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга таъсири қай даражада эканлигини эконометрик таҳлиллар қилинди. Мазкур ишнинг амалий аҳамияти шундаки, мамлакатда миллий ўсишни таъминлашда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдорий ўсиши 2025 йил учун 350 трлн. сўм деб фараз қиладиган бўлсак, ушбу натижага эришиш учун банклардан талаб этиладиган жами кредитлар миқдори 25,543 трлн. сўмни ташкил этиши аниқланди.


Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиш омилларидан бири инновацион лойиҳаларни молиялаштиришидир. Ушбу жараёнда аҳоли иш билан

бандлигининг ошиб бориши ва бу кўрсаткичларни солиштирма таҳлил қилиш, шу асосда тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши билан белгиланади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2018 йилда инновацион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг банк кредитларига бўлган талаби ривожланаётган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача 40 фоиз корхоналарнинг кредит олишга эҳтиёжи мавжуд бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларига ушбу кўрсаткич 45 %дан 60 %гача бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга кредитлаш жараёнида гаров талаб этилиши ривожланган мамлакатларда ўртача 60 %дан юқори бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ўртача 80 %дан юқорилигини кўрсатиш лозим (1-расм).

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, корхоналарнинг инновацион лойиҳаларини кредитлаш аҳолининг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган инвестицион кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитда унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.




1-расм. Жаҳонда инновацион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналар даражасининг банк кредитларига бўлган талаби, фоизда
Манба: Жаҳон банки 2018 йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

МДХ мамлакатларини мисол қилиб олганда Белоруссияда 2007 йилда "Инновацион ривожланиш давлат дастури"нинг қабул қилиниши билан илмий ишланмаларнинг тижоратлаштирилиши республикада инновацион фаолиятнинг

ривожланишига олиб келди. Мамлакат инновацион инфратузилмаси ушбу соҳадаги маслаҳат хизматлари, ахборот ва ташкилий ёрдам кўрсатувчи 80 дан ортиқ компанияларни ташкил қилади. Турли технопарклар, иккита инновация маркази, ўн бирта технологиялар трансферти фирмалари, учта технологияларни узатиш халқаро марказлари ва бошқа инновацион инфратузилма ташкилотлари фаолият юритади.

Белоруссияда инновацияларни молиялаштириш асосан компаниялар ўз маблағларини ва айниқса бюджет маблағлари асосида амалга оширилади. Жами харажатларнинг деярли 70 %и банк кредитлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағи ҳаммаси бўлиб бир фоизни ҳам ташкил қилмайди. Бунга албатта инновациялар соҳасидаги инвестиция лойиҳалариининг юқори рискли бўлиши ва қайтимнинг келиш эҳтимоли нисбатан пастроқ бўлиши сабабчидир. Шунинг учун Беларуссияда венчурли молиялаштиришни кенг кўламда ривожлантириш устида иш олиб борилмоқда (2-расм).



2-расм. Беларуссия Республикасида инновацияларни молиялаштириш манбалари тузилмаси

Манба: Беларуссия Республикасида статистик тўплами, 2018

Шу ўринда, Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак. 2019 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 511,8 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2018 йил билан қиёслаганда 25,8 % ўсишга эришган. 2014-2019 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2019 йилда 26,3 %га ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 211,5 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 41,3 %ни ташкил этди. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатда ҳақиқатан бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёйиб, пулга талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо

кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси олдинги йилга нисбатан бор йўғи 0,1 фоизга ошганлиги, деярли ошмаганлиги бу мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитлар етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди (1-жадвал).

Ўзбекистонда технология ва инновацион тизими технологик жараённи бугунги кунда олдинги марраларда эмас, шунинг учун хориждан янги билимлар ва технологияларнинг кириб келиши ва ўзлаштирилишига муҳтожмиз. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хориж технологияларини ўзлаштириш давлат инновация сиёсатининг асосий устуворликларидан биттаси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти учун янгилик ҳисобланадиган мавжуд инновацияларни ўзлаштириш ва мослаштириш кўпроқ аҳамиятлидир.

Бугунги кунда корхоналарнинг ривожланиши, жумладан замонавий хизматлар кўрсатиши ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун давлат томонидан бир қанча ижобий ишлар олиб борилмоқда, ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ва молиявий ёрдам кўрсатишга катта эътибор берилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ва тижорат банклари кредит қўйилmalarининг миқдори ва улуши

Кўрсаткичлар	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
Ялпи ички маҳсулот (трлн.сўм)	177,1,	210,1	242,4	302,5	406,6	511,8
Кредит қўйилmaları (трлн.сўм)	34,5	42,7	53,4	110,6	167,4	211,5
Ўзгариши (фоиз)	19,5	20,3	22,0	36,6	41,2	41,3

Манба: <https://stat.uz/uz/> ва <http://cbu.uz/oz/> сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мамлакатимизда инновацион корхоналарни молиявий таъминлаш тизими бўйича яхлит тасаввур ҳали шаклланмаган. Маблағи бор йирик корхоналар кичик инновация корхоналарининг лойиҳаларига қизиқиш билдирмаяптилар. Инноваторларнинг ўзлари ҳам кредит муддати кичиклиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги ва гаров таъминотининг йўқлиги туфайли кредит маблағларини олмасликка ҳаракат қилади. Молиялаштиришнинг етишмаслиги - бу муаммонинг фақат бир томони, шунингдек, маблағларни қандай қилиб тақсимлашни ҳам билиш керак.

Аммо, 2017 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида иқтисодиётни инновацион йўл орқали ривожлантириш стратегияси белгилаб берилиши натижасида, тижорат банклари олдин рисклилиқ даражаси юқори ва ликвидлилиги паст деб ҳисоблаб юрган инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар билан ишлашдан манфаатдорлик даражаси ўзгарди. Банklar томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келди.

Хулоса ва таклифлар

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банklarининг ролини ошириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларга

мувофиқ республика иқтисодиётида инновацион ривожланиш жараёнларида тижорат банклари иштирокини кенгайтириш учун белгиланган вазифаларни янгидан аниқлаш;

- Республикадаги асосий тармоқларни модернизация қилишни, хусусан инновацион аҳамиятдаги инвестиция лойиҳаларини банklar томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун банklarнинг ўзлик активлари ҳажмини ошириш;

- Тижорат банklarининг инвестицион лойиҳалар соҳасини аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришнинг янги услубиятини ишлаб чиқиш;

- Тижорат банklarининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда асосий эътибор банklar томонидан инновацион лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва бунда нафақат сонли иқтисодий кўрсаткичлар билан баҳолаш, балки сифат жиҳатидан ҳам самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий қилиш йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиеёв Ш.М. «Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий ривожланишининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган маъруза. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь. № 11 (6705);

2. Балабанов И.Л. «Инновационный менеджмент» СПб.: Питер, 2001.– 120 с;

3. Борисов А.Б. «Большой экономический словарь» М.: Книжный мир, 2000. – 86 с;

4. Гимуш Р.И., Матмуродов Ф. М. «Инновация менеджмент»: Иқтисодиёт олий ўқув юртлири учун ўқув қўл. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, - Б. 10.2008. - 144 б;

5. Тошмуродова Б.Э., Жиянова Н. «Инновация фаолиятни молиявий рағбатлантириш». Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006.-110 б;

6. Попов Г. «О проблемах кризиса» 2009 года [http://www.uptp.ru /content /Disp_Online.php?Num=I](http://www.uptp.ru/content/Disp_Online.php?Num=I);

7. Р.Х. Карлибаева Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Тошкент, 2011 йил, 14-б.